2009 йил 30 сентябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (11.503)

Баҳоси эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Аввалambор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг — кўз нури ва қалб қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, ғурур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуғ ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чеҳраси обод бўлаётганини, иқтисодиётимиз янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланаётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёримизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, биз ўз мақсадларимизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил енгил-елпи маслаҳат ва зуғумларга берилмасдан, вазминлик ва қатъият билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Аввалambор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келажак авлодимиз манфаатлари йўлида оқилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Мухтасар айтганда, қонунчилик тизими бўладими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий ва ҳудудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиладиган, замонавий тараққиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиёсий-ижтимоий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмаларнинг тўлақонли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олдимизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг — минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлиғингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни якунига етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни олиб келишни ўринли деб биламан.

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробардан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз мамлакатимизда ушбу соҳа ривожида алоҳида ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-ҳунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ ва яқин қўшниларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган беқиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мухтарам дўстлар!

Мана шундай байрам кунларида биз мустақиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга холисона баҳо берар эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шарти ва гарови бўлмиш бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-ғайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу хулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



## УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган навқирон авлодга чуқур ва пухта таълим-тарбия бериш, уларни жамиятимизнинг таянчи ва суянчига айлантиришга оид кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийлар касбини эъзозлаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, самарали фаолият олиб бориши учун жаҳон андозалари даражасидаги шароит ва имкониятларни яратиш тизими ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу умумхалқ байрами муносабати билан кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларда таълим соҳасида эришилган муваффақиятлар билан бирга бугунги куннинг ўқитувчиси зиммасидаги долзарб вазифалар атрофлича муҳокама этилиб, ёшларнинг таълим-тарбиясига оид илғор тажрибалар таҳлил қилинмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар:**

*Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ»**

**Музафарова Султанпаша Анваровна** — Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Турсунбаев Абдулхай Убайдуллаевич** — Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

*Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Трофимова Тамара Георгиевна** — Чилонзор туманидаги 101-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси

*Ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Аскарова Дилбар Исмаиловна** — Яккасарой туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**Касимова Дильмуратхон Рахматджановна** — Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Тожибоев Абдуғани Абдумаликович** — Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейининг ижтимоий фанлар ўқитувчиси

**Хашимова Хуррият Исамовна** — Учтепа туманидаги 217-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

**Холматова Саламат Абидовна** — Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

**Холиқов Ойбек Муяссарович** — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ҚАДРЛИ ЁШЛАР!

**СИЗЛАРНИ 2009 ЙИЛ 7-8 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 9.00дан 16.00гача БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

Меҳнат ярмаркасида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг 15442 та бўш иш жойлари таклиф этилади.

Шунингдек, бевосита 180 дан ортиқ иш берувчи бўш иш ўринлари ҳамда кўргазмалари билан иштирок этади.

Ярмаркада қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант жойлари тавсия қилинади:

— шифокор ва ҳамшира — 483 та
— тикувчи, бичувчи, йигирувчи— 741 та
— иқтисодчи-ҳисобчи — 131 та
— муҳандис-механик — 344 та
— ўқитувчи-тарбиячи — 272 та
— чилангар-сантехник — 843 та
— ҳайдовчи — 788 та
— электр ишлари бўйича мутахассис — 285 та
— кранчи-машинист — 236 та
— электргазпайвандчи —197 та
— қурувчи (сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи, бетончи) — 580 та

**Ташкилий қўмита**

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Самарқандда 30 та корхона ишга туширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида барча тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 62,1 мингта иш ўрни яратилди.**

**● Қашқадарё вилоятининг Пўлати қишлоғида янги замонавий врачлик пункти биноси «Дур» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари меҳнати билан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда 50 ўринли ушбу шифо маскани аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.**

**● Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида фаолият юритаётган «Бахтсельмаш» Ўзбекистон — Россия — Беларусь қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган, «РМУ» деб номланган янги ускуна ишлаб чиқарилмоқда.**

**● Паркент туманида йилига 40 миллион дона ғишт ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон — Туркия — Буюк Британия ҳамкорлигида «Asia ceramic strory» қўшма корхонаси ташкил этилди. Айни пайтда корхонада 50 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.**

**● Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимер кимёси ва физикаси институти олимлари полимер шаклидаги «Полидеф» дефолиантининг ишлаб чиқариш технологиясини яратдилар. Мазкур дефолиант теримдан олдин ғўза баргларини тушириш ва кўсакларнинг очилишини тезлатишда қўлланилади.**

**● Косонсой шаҳрида «Зилол сув жавоҳири» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Замонавий тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур корхонада фаолият юритаётган 25 ишчининг меҳнати билан ойига 4 тонна калава ип тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда.**

**● Урганч Давлат университети спорт мажмуасида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан фаҳрийлар спартакиадаси ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Японияда зилзила содир бўлди. Сейсмологларнинг хабарига кўра, зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,9 баллни ташкил этган. Қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар айтилмаган.**

**● Буюк Британиядаги турар жойлар нархи қимматлашиб, 0,2 фоизга ошди. Бу 2007 йилнинг июль ойидан буён кузатилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланиб, ҳозирда Англия ва Уэльсда уйларнинг ўртача баҳоси 156,1 минг фунт стерлингни ташкил этмоқда.**

**● «BBC» хабарида айтилишича, Сомалида фаолият кўрсатиб келаётган «Ал-Шабаб» террорчилар гуруҳи Могадишо шаҳридаги бозорда икки кишини ошкора қатл этган. Қурбонлардан бири АҚШнинг марказий разведка бошқармаси учун хизмат қилган, иккинчиси эса Африка Иттифоқи тинчликпарвар кучларининг вакили бўлган. Экспертларнинг изоҳига кўра, жангариларнинг бу ишни амалга оширишига АҚШ ҳарбий самолётлари томонидан Сомали жанубига берилган зарбалар сабаб бўлган.**

**● Сальвадор шарқида жойлашган Сан-Мигель шаҳрида чақмоқ уриши натижасида бир киши ҳалок бўлган ва яна бир киши тан жароҳати олган. «РИА Новости» хабарида таъкидланишича, мазкур кўнгилсизлик футбол учрашуви ўтаётган вақтда содир бўлган. Яшин урган 21 ёшли футболчи Давид Сальдивар Табор касалхонада ҳаётдан кўз юмган.**

**● «Ал-Қоида» гуруҳи Германия мамлакатига яна таҳдид солмоқда. Жиноий тўда томонидан интернет тармоғида видеолавҳалар жойлаштирилган ва уларда мамлакат ҳудудида террорчилик ҳаракатлари содир этилиши маълум қилинган.**

## «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

Ўзбекистонга "Туркманистондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини киритилишининг ноқулай эпидемиологик вазият туфайли тақиқланиши" ҳақидаги бир қатор хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган хабар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ўзбекистон томони Ўзбекистон — Туркманистон давлат чегараларини ёпишга ёки Туркманистондан қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг қандайдир эпидемиологик ёки эпизоотик хусусиятга эга бўлгани туфайли олиб кирилишини чеклашга доир ҳеч қандай қарор қабул қилгани йўқ.

**«Жаҳон» АА**

# 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



## ҚАЛБИМИЗ АРДОҒИДА

**Меҳр нури ёғар доим юзингиздан устозлар,**
**Юрсам дейман, бу табаррук изингиздан устозлар...**

Дунёда шундай шарафли касб эгалари борки, улар ёш авлод онгу шуурига илму маърифат зиёсини таратиб, тафаккурини бойитадилар, маънавиятини юксалтирадилар. Бу машаққатли ҳамда шарафли касб соҳиблари –ўқитувчи ва мураббийлардир. Бир зум бўлсада болаликка қайтиб, илк бора мактаб остонасига қадам қўйган кунни, жажжи қўлингизга қалам тутқазиб ёзишни, ўқишни ўргатган меҳрибон устозингизни эслай оласизми? Албатта, эслайсиз. Шундай мўътабар ва меҳрибон устозларимиз, ўқитувчиларимизни эсламай бўладими. Бахтиёр болалигимиз, азиз ўқитувчиларимизни ҳамиша ҳурмат ва соғинч билан эслаймиз.

Маълумки, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.Зеро, халқимизда «Устоз отангдек улуғ» деган нақл бежиз айтилмаган. Мана бир неча йилдирки, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь- Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар жараёнида ўқитувчи зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан залворлироқдир. Айниқса, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президентимиз Фармони ҳамда унинг ижросини таъминлашга доир қабул қилинган қатор ҳукумат қарорларининг ҳаётга татбиқ этилиши бевосита фидойи ўқитувчиларнинг меҳнати билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, аъло ўқиши, келажакда комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар етарли. Шу билан бирга ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш, бу шарафли касб соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг изчил тизими шаклланди. Бундай ғамхўрликка жавобан ўқитувчи устозлар ҳам самарали фаолият кўрсатиб,ёш авлодга пухта билим беришда замонавий педагогик усуллардан фойдаланишмоқда.

Айтиш жоизки, меҳри дарё, ғамхўр ўқитувчи-устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан бўлиб, бу истиқлол йилларида яна ҳам янгича маъно ва мазмун касб этди. Ҳар йили «Йил ўқитувчиси», «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил мактаби» кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиблар эътироф этилаётганлиги, мустақил юрт ўқитувчи ва мураббийлари ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳа, жамиятимизни илму урфон, маърифат зиёси билан мунаввар этаётган, қалбимизни, онгимизни маънавият сарчашмасидан баҳраманд қилаётган қалби дарё, меҳрибон устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.Уларга мустаҳкам соғлик, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида олиб бораётган эзгу ишларида ҳамиша омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

## УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ўқитувчилар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Истиқлол йилларида таълим тизимининг барча бўғинларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим даргоҳлари, маънавият ва маърифат масканлари, маданият ва санъат кошоналари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида бўлдилар. Яқиндагина 2200 йиллик юбилейи нишонланган пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қад ростлаган замонавий иншоотлар билан танишдилар.

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда кўп йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар, илғор педагоглар, ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касбни танлаган ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим тизимининг раҳбарлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 сентябрдаги Фармонига биноан Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўғил-қизлар камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш йўналишида олиб борилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти билан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, халқимиз, айниқса ёшларимизнинг маънавий юксалиши учун мустаҳкам замин яратди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш жараёнида таълим сифати ва мазмунини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув даргоҳларини бунёд этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер ва лаборатория техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмини яратиш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор, изланувчан, ташаббускор ва фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибасини тарғиб этиш ва оммалаштириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида чекка ҳудудлардаги мактаблар учун тенг ва муносиб таълим шароитини яратиш, улардаги таълим тизимини тобора такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг самарали меҳнат қилиши, касб малакаси ва маҳоратини ошириш, ўзаро иш тажрибасини алмашиш учун барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ўқитувчидек шарафли ва заҳматли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент шаҳридаги 273-мактаб директори Мавлуда Исматова. – Шиддат билан ўзгариб бораётган тезкор ва мураккаб давр ёшларга пухта билим бериш билан бирга, улар онгу шуурини, маънавиятини миллатимиз учун ёт ва бегона ғоялар таъсиридан асраб-авайлашни, ўқувчиларни чин маънодаги ўз юртининг фидойи инсонлари этиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу йўналишдаги ғамхўрликлар бизни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва айни пайтда шарафли юмушга янада масъулият билан ёндошишга, янада фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундайди.

Тадбирда “2009 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика кўрик-танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳридаги 154-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Насиба Очилова, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимини тубдан ислоҳ этиш йўналишида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади келажагимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидладилар. Навқирон авлод камолоти, ўқитувчиликдек эзгу касб соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тантанали йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

### Дил изҳори

## ҲАЁТИМИЗ ШАМЧИРОҒИСИЗ

**Ортиқали ҚОЗОҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:**

— Аввало устоз деганимизда юриши ҳам,туриши ҳам, кийиниши ҳам, чеҳраси ҳам ҳар томонлама барчага ўрнак бўладиган нурли сиймо кўз олдимизга келади. Ҳаётимизда ҳар бир эришган муваффақиятларимиз замирида устозларнинг бизга берган сабоқлари, ўгит-насиҳатлари, меҳнатлари борлигини яхши биламиз.

Мен илк бора мактабга қадам қўйган оним, биринчи устозларимни ҳамиша ҳурмат ва соғинч билан эслайман. Биринчи ўқитувчиларим Сотволди Тоштемиров, Салима Бегматова, Муҳаммадали Жўраевларни ҳеч қачон унутмайман. Қолаверса, менда рассомчиликка ҳавас уйғотган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Анорбой Каримқуловни катта эҳтиром билан эслайман. Шуни айтиш жоизки, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган миллий анъана ва қадриятларимизнинг узилмас занжирида ҳам устозларнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, мустақиллик йилларида устоз-ўқитувчиларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром янада юксак чўққига кўтарилди. Уларнинг меҳнати қадрланиб, ижодий, илмий мероси кўнглимиз мулкига айланди. Шу ўринда меҳри дарё устозларим – Ўзбекистон халқ рассомлари Р.Аҳмедов, Д.Имомов, Ч.Аҳмаров, Н.Қўзибоевларнинг биз ёшларга берган сабоқлари бугунги кунда авлодларга ўтиб эъзозланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Албатта, бугун қадрли устозларимизни эслаб, касб байрамлари билан самимий қутлар эканман, уларга соғлик-омонлик, узоқ умр, ижодларига баркамоллик тилайман.

**Илҳом ФАРМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Устоз, мураббийларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин, албатта. Улар билан ҳаётимиз нурафшон, берган ўгит ва сабоқлари йўлчи юлдуз каби йўлимизни ёритиб, қалбимизни мунаввар қилмоқда. Қадрдон мактабимизда сабоқ берган ўқитувчиларимиз, кейинчалик олий ва ўрта махсус таълим масканларида таълим олган устозларимиздан ҳамиша миннатдор бўлишимиз керак. Зеро уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли комилликка эришганмиз. Улардан ҳалоллик, тўғрилик, сахийлик, меҳнатсеварлик сингари фазилатларни ўрганганмиз.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳазратлари ҳам «Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила» деб бежиз айтмаганлар. Устозларга ҳамиша таъзим бажо айлаш, уларни эъзозлаш инсоний бурчимиздир. Мен ҳам санъат сирларини ўргатиб, камолот пиллапояларига етаклаган устозларимни доимо ҳурмат билан эсга оламан. Уларнинг панд-насиҳатларини, ўгитларини ёш авлодга, хусусан фарзандларимга ўргатишга ҳаракат қиламан.





## ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

**Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ байрами –Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.**

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тадбир Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман халқ таълими, касаба уюшмалари бўлимлари томонидан уюштирилди.

Тадбирни туман ҳокими Шавкат Иргашев кириш сўзи билан очар экан, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг билимли, мустақил фикрли, комил шахс бўлиб вояга етиши йўлида барча имконият ва шароитлар муҳайё этилаётганини таъкидлади.

Жумладан, тадбирда бу борада ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон андозалари даражасидаги мактабларни барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар касб байрамлари билан самимий муборакбод этилиб, узоқ йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган фахрий ўқитувчилар, ўзининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан эл назарига тушган ёш педагоглар, жонкуяр мураббийлар, моҳир ва тажрибали устозлар туман ҳокимлиги, туман касаба уюшмаси томонидан махсус совғалар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Эл севган хонандалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар тадбирнинг янада файзли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди. Тадбир доирасида касб байрамлари муносабати билан тақдирланган ўқитувчиларнинг фикрлари билан танишдик.

— Бугун жуда мамнунман, — дейди 64-мактаб директори Машҳура Шоисаева. — Мана кўриб турибсиз барча шодлик ва тантаналар биз учун қилинаяпти. Ўқитувчи мисоли бир чексиз уммон. Унинг бағрида илму тафаккур шуълалари билан биргаликда, меҳру муҳаббат туйғулари ҳам мавжланиб атрофга ўзгача бир тароват бахш этиб туради. Мен барча касбдошларимни ушбу қутлуғ сана билан муборакбод этаман. Шарафли ишларида муваффақият тилаб қоламан.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ

**Ҳар бир инсон ўз умри давомида қилган эзгу ишларига яраша эл орасида муносиб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади, яхши ном қозониб, раҳмат ва олқиш олади.**



Шундай улуғ, шарафли касб соҳиблари борки, улар ҳамиша каттаю кичикнинг ҳурматида ва эъзозидалар. Бу– ўқитувчи, устозлардир. Мана шундай касбидан эъзоз топаётган ўқитувчилардан бири Учтепа туманидаги 203-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Абдусаттор Раҳимовдир. У «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси–2009» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибидир.

Ёшлигидан тасвирий санъатга ихлоси баланд бўлган Абдусаттор мактабда ўқиб юрган кезлаpидаёқ чиройли расмлар чиза олиш қобилияти билан ажралиб, тасвирий санъат ўқитувчиси Мавлонбек Пўлатовнинг эътиборини тортди. Ҳар бир дарс топшириқларини ўз вақтида, яхши баҳога бажариб келгани учун устозидан яна алоҳида мавзулар бўйича топшириқлар олиб, бирбиридан гўзал расмлар чиза бошлади. Кейинчалик ўзи янги мавзулар излаб топиб, чизганларини устозига кўрсатар, ундан кўплаб маслаҳатлар оларди. Мактабни тамомлагач, тасвирий санъатга меҳр қўйган Абдусаттор Раҳимов Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетига ўқишга киради. Бу ерда тажрибали устозлардан сабоқ олиб, билими, иқтидори яна ҳам сайқалланади. Институтда ўқиб юрган кезларидаёқ унинг қобилияти, инсоний фазилатларини яхши билган мактаб жамоаси ўзи ўқиган мактабга ишга таклиф қилишади. Албатта, ўзи ўқиган мактаб, устозларининг ишончини қозониш катта бахт. Ушбу ишончга жавобан Абдусаттор Раҳимов ҳеч иккиланмай, мактабга ишга киради ва тасвирий санъат фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлайди.

Астойдил қилинган меҳнат ва изланишлар бесамара кетмади. Мана 27 йилдирки Абдусаттор ака Учтепа туманидаги ўзи ўқиб таълим олган 203-мактабда ўқувчиларга тасвирий санъат, чизмачилик фанларидан дарс бериб келмоқда. Ўзининг иқтидори, истеъдоди,камтарин ва меҳнатсеварлиги билан ўқитувчилар, ўқувчилар орасида алоҳида ҳурмат ва эътибор топди. У ҳақда мактаб жамоаси доимо фақат илиқ фикрларни билдиришади.

— Ўз касбига меҳр қўйган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди,–дейди 203-мактаб директори Озода Эгамбердиева.–Абдусаттор Раҳимов ана шундай меҳнатсевар, ўз касбига меҳр қўйиб, ёш авлодга бор билим ва тажрибасини кунт билан ўргатиб келаётган фидойи ўқитувчиларимиздан.Фан сирларини пухта ва мукаммал эгаллаш, уни ўқувчиларга маҳорат билан ўргатиш ҳам бир санъат. Абдусаттор Раҳимов ҳам доимо дарсларини қизиқарли, самарали ўтказиш йўлларини излайди. Ўқувчиларни тасвирий санъат фанининг асосий вазифаси– борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни кўра олиш, идрок этиш, тушунтириш ва қадрлашга ўргатиш, эстетик ва бадиий дидини ўстиришга, тасвирий санъатнинг назарий асослари билан таништиришга астойдил ҳаракат қилади.Янгича педагогик услублардан кенг фойдаланиши дарс самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

— Мактабда ўқиб юрган чоғларимда устозим Мавлонбек акага, унинг дарс ўтиш услубига жуда ҳавас қилардим. Устозимнинг менга берган сабоқлари мана йиллар ўтиб ўз самарасини берди. Доимо яхши инсонларга ҳавас қилиб яшаш, улар изидан боришга интилиш керак экан. Буни ҳаётим мисолида кўриб турибман. Аллоҳга шукр, устозим каби шу мактабда ўқувчиларга тасвирий санъат сирларини ўргатиб келяпман. Жорий йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритдим. Буларнинг бари ҳалол меҳнат, касбимга садоқат туфайли, деб ўйлайман, — дейди Абдусаттор Раҳимов. – Шуниси эътиборлики, танловда ўз имкониятимни баҳолашга муваффақ бўлдим. Ҳамкасбларимнинг тажрибалари, дарс ўтиш усулларидан ўзим учун керакли жиҳатларни ўргандим. Мақсадим, ёш авлодга тасвирий санъат сирларини мукаммал ўргатиш, комиллик сари ундаш, уларнинг қалбига, онгу шуурига эзгулик, нафосат туйғуларини сингдиришдан иборат. Зеро нафосат ва эзгуликка ошно қалблар албатта комилликка эришадилар.

— Дарҳақиқат, эзгу мақсадларни қалбига жо айлаган, устози изидан бориб, устоз даражасига эришган Абдусаттор Раҳимов сингари фидойи, жонкуяр ўқитувчи, устозлар орамизда бор бўлсин.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТДА: «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» Абдусаттор Раҳимов.**

## Қарор ва ижро

# ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**Мутахассисларнинг маълумотига кўра, 1990 йилларнинг бошида юртимиз фармацевтика бозоридаги маҳсулотларнинг атиги икки фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фан ва техника тараққиётига кенг йўл очилгани, ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз такомиллаштирилаётгани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этишга қулай имконият яратилгани миллий фармацевтика саноатимизни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлди.**

1993 йилда “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ташкил этилди. Унинг таркибида дастлаб иккита ишлаб чиқариш корхонаси ва битта илмий текшириш институти мавжуд эди. Ҳозирги кунда бундай муассасалар сони ўттиздан ошади.

Мазкур корхоналарда фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш, маҳаллий хомашёдан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган дори-дармонлар ишлаб чиқариш борасида изчил иш олиб борилиши натижасида маҳсулот тури йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Тизимдаги корхоналар замонавий ускуналар билан жиҳозлангани маҳсулот сифатини яхшилаш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини бераётир.

“Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концернидан маълум қилишларича, ҳозирги кунда соҳа мутахассислари рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги махсус чора-тадбирлар режаси асосида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу жараёнда модернизация ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, харажатларни оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш, маҳаллийлаштириш имкониятларини ошириш, дори воситаларининг янги замонавий турларини ўзлаштириш, маҳаллий хомашё асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқиш бўйича кооперация алоқаларини кенгайтириш, халқаро сифат стандартларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ушбу дастур доирасида 2011 йилгача модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қирқ бешта лойиҳа бажарилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунгача учта лойиҳа якунига етди. Натижада қатор корхоналарда замонавий, юқори технологик жиҳозлар ўрнатилди ва янги авлод дори воситалари ишлаб чиқарила бошланди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган илмий ва амалий лойиҳалар туфайли йигирма тўрт номдаги янги дори воситалари жорий этилди. «Новофарма плюс» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган цефалоспорин антибиотиклари, “Нобелфармсаноат» корхонаси ва «Радикс» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган юрак-қон томир ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилаётган эналаприл, короним, омегаст сингари препаратлар бунга мисолдир. Ҳозир тўқсон тўрт номда импорт ўрнини босадиган ана шундай шифо воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

– Дастлаб олти турдаги дори воситалари ишлаб чиқарар эдик, – дейди “Радикс” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Абдуғафур Каримов. – Эндиликда маҳсулотларимиз тури саксондан ошди. Бундай имкониятга эришишимизда мамлакатимизда фармацевтика саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилгани муҳим омил бўлаётир. Биз ҳам ана шу йўналишдаги имтиёз ва шароитлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий технологияларни кенг жорий этмоқдамиз.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини янада такомиллаштириш “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалар кимёси, Биоорганик кимё, Полимерлар кимёси ва физикаси институтлари ҳамда Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари натижасида ўндан зиёд шифо воситалари яратилди.

Фармацевтика корхоналарига халқаро сифат стандартларини жорий этиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Соҳада биринчилардан бўлиб ИСО 9001 халқаро сифат сертификатига сазовор бўлган “Сарбонтекс” қўшма корхонаси маҳаллий хомашёдан тиббиёт пахтаси ва боғлов воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган қирқ хилдан кўпроқ маҳсулот экспорт қилинмоқда.

«Новофарм плюс», «Фарм Гласс», «Мед Гласс», «Жўрабек» сингари корхоналарда ҳам GMP ва ИСО 9001 сифат менежменти халқаро талаблари жорий этилди.

Мамлакатимиздаги фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган препаратларнинг сифатини жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқишга қаратилаётган бундай эътибор туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига хорижда ҳам қизиқиш ортиб бораётир. “Нобелфармсаноат” корхонасида ишлаб чиқарилаётган яллиғланишга, замбуруғларга ҳамда аллергияга қарши, оғриқ қолдирувчи ва тиббиётнинг бошқа кўплаб йўналишларида фойдаланиладиган маҳсулотларнинг экспорт кўлами тобора кенгаяётгани бунга мисолдир. Корхона лабораторияси маҳсулотларни дунё сифат стандартларига кўра юқори аниқликда назорат қилиш имконини берадиган замонавий технологиялар билан жиҳозлангани маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Олимлар ва мутахассислар фармацевтика тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган ўттиздан зиёд инновацион лойиҳа асосида илмий изланиш олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида яратилаётган тиббий препаратлар нафақат мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида, балки жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётир. Юрак аритмиясини даволашда яхши самара берадиган “аллапинин”, сариқ касаллигига қарши “мегосин”, қон тўхтатувчи “лагоден”, шамоллашга қарши “бензкетозон” сингари препаратлар бунга мисол бўла олади.

Илм-фаннинг ушбу йўналишдаги ихтиро ва ютуқларини янада такомиллаштириш ва фармацевтика саноатини ривожлантиришда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётир. Ушбу йўналишда анъанавий ўтказилаётган инновацион технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида фармацевтика саноати корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. Биринчи ярмаркада ушбу корхоналар ва харидорлар ўртасида 250 миллион сўмлик шартнома имзоланган бўлса, иккинчи ярмаркада бу кўрсаткич 366 миллион сўмдан ошди.

Энг муҳими, мамлакатимиз фармбозорида маҳаллий корхоналаримиз улуши йилдан-йилга ошиб бораётир. Бу юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларидандир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

**Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборатдир. Хусусан, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш орқали иқтисодиётимизни юксалтирибгина қолмай, балки баъзи бир долзарб ижтимоий муаммоларга ҳам барҳам бериш мумкин. Ушбу соҳада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ўтган ярим йилликда қатор режадаги ишларни амалга оширди.**

## Ислоҳотлар оқимида

# ТАДБИРКОРЛАРГА ТАЯНЧ БЎЛИБ

— Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида айтилганидек, — дейди бошқарма раҳбари Шавкат Мирзаев, — инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилган бўлиб, ўз навбатида, бу буюртманинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини бериши таъкидлангани бежиз эмас. Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир.

Жорий йил бошидан 12800 нафардан зиёд тадбиркорларга 16 та кўргазма-ярмарка ва кооперацион биржаларда иштирок этишларига шарт-шароитлар яратишда бошқарма ёрдам кўрсатди. Мазкур тадбирлар жараёнида бизнес соҳа вакиллари 4250,6 миллион сўмлик ускуна ва жиҳозлар ўрнатишга, 29,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли ҳамда озиқ-овқат моллари етказиб беришга ҳамкорлик битимлари, савдо шартномаларини тузишга эришилди ҳамда соҳани янада ривожлантириш имкониятлари яратилмоқда.

Жумладан, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Россия, Туркманистон давлатларининг бизнес вакиллари, ишбилармон доиралари билан ўзаро манфаатли асосдаги бизнес-форум, учрашув, кооперацион биржалар ўтказилди. Шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Яккасарой, Учтепа, Юнусобод, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Сергели, Чилонзор туманларидаги 14 та корхоналарга Италия, Германия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон давлатларининг корхоналари билан 18 та шартнома тузишда яқиндан кўмак берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш борасида давлатимиз ва Юртбошимиз томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва Қарорларда хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламининг тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлиши, янгидан иш бошлаган тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини йўлга қўйишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида микрокредитлар ажратишда уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги аниқ вазифалар белгилаб берилгани ҳам айни муддао бўлди.

Бошқарма шуларга таянган ҳолда ўтган йилдан бир неча қўлланмаларни (давлат, рус тилларида) чоп эттирди ва улар пойтахтлик тадбиркорларга бепул тарқатилди. Йил бошидан 219 нафар тадбиркорни палата аъзолигига жалб этилиб ҳамда уларнинг сони ҳозирги кунга келиб 1521 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тажрибаларини бойитиш, ҳамкорларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришларини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга кўмаклашиш каби ишлар амалга оширилди. Бу масалаларда малакали маслаҳатлар беришда туманларда фаолият юритаётган ахборот-маслаҳат марказларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар билан ҳамкор, ҳамжиҳатликда шу йилнинг 6 ойи мобайнида шаҳар ҳокимлиги, адлия, солиқ, божхона идоралари билан биргаликда 80 та семинар-йиғилиш ўтказилди.

Шунингдек, бошқарма жамоаси тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилиш масалаларида ҳам қатор ишларни амалга оширди. Шу давр мобайнида 90 та даъво аризаси (56.488 миллион сўмлик) киритилиб, 54 та иш тадбиркорлар фойдасига ҳал этилди.

Замонавий, малакали ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш, сифатини ошириш мақсадида Мирзо Улуғбек, Сергели, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида бизнес марказлар (ахборот-маслаҳат маркази) ташкил этилмоқда. Ушбу туманлар учун Республика савдо-саноат палатаси томонидан жиҳозлар, оргтехника олишда кўмаклашиб, марказ фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган. Улар орасида Юнусобод тумани бизнес маркази намунали марказ сифатида алоҳида қайд этилган.

Сирасини айтганда, иқтисодиётимиз равнақида муҳим ўрин эгаллаб турган тадбиркорлар нафақат ички бозоримизни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан таъминлашлари, балки экспорт салоҳиятини оширишлари, ташқи бозорни забт этишлари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига хизмат қилади.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА**

---



## Қиш тайёргарликни ёқтиради

# МАҚСАД — НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

**Бугунги кунда мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча тармоқларида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш жараёни қизғин давом этмоқда. Ахир бежизга «Қиш тайёргарликни ёқтиради» дейишмаган-да.**

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясига қарашли «12-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам ушбу масъулиятли юмуш ёз ойларидаёқ бошлаб юборилган эди. Бунинг натижасида жамиятда мавсумга тайёрланиши лозим бўлган иншоот ва мосламаларнинг асосий қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

— Хусусан, кузнинг сўнгги ойи бошлангунга қадар мавжуд бешта ишлаб чиқариш цехининг иссиқлик тармоқлари таъмирдан чиқарилди, — дейди биз билан суҳбатда мазкур ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Қудратилла Зикиров. — Шунингдек, ушбу цехларнинг деворлари оқланиб, эшик-ромларига совуқ ўтмайдиган қопламалар ўрнатилди. Мавжуд биноларнинг 400 метр квадрат томига қора сақичли қоғоз ётқизиб чиқилди. Ҳаракатдаги автотранспортлар , автоёнилғи шохобчалари, электромеханика цехларни мавсумга тайёрлаш ишлари ва ишчи-хизматчиларни қишки кийим-кечак билан таъминлаш ҳам бекаму кўст бажарилди. Айни пайтда жамиятимизда мазут захирасини тайёрлаш, электр ўтолдиргич мосламалари ва маъмурий-маиший биноларни таъмирлаш ишларини тўлиғича якунлаш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолига хизмат сифатини янада ошириш мақсадида 21 дона «Мерседес-Бенц Conecto Low Floor» русумли автобуслар харид қилинди. Бунинг натижасида мавжуд 133 та транспортнинг асосий қисми янгиланишига эришилди. Албатта, амалга оширилаётган ушбу ишларнинг деярли барчаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун пухта замин яратади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТДА: корхона чилангар-усталари мавсумга тайёргарликда фаоллик кўрсатишмоқда.**

---

# Сўранг, жавоб берамиз

**— Ўзбошимчалик билан уй-жой қурганлик учун жавобгарлик борми? Шу тўғрида маълумот берсангиз?**

**И.Юнусов,**
**Миробод тумани**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида Низом”га асосан уй-жой қурувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу мақсадлар учун ажратилмаган ер участкаларида қурилган ҳамда бунга зарур рухсатномани олмасдан ёхуд шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари жиддий равишда бузилган ҳолда тикланган уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган деб ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан қурилгани аниқланган тақдирда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қуриш ҳолати тўғрисида далолатнома тузилади.

Далолатнома тузилиши билан бир вақтда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қурилаётган қурилишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берилади. Кўрсатманинг нусхаси ўзбошимчалик билан тикланган иморат тўғрисидаги масалани кейинчалик белгиланган тартибда ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

Ҳуқуқи бузилган шахснинг ёхуд тегишли давлат органининг даъвоси бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра уни қурган шахс томонидан ёхуд унинг ҳисобига бузиб ташланиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

* * *

**— Корхонани ижарага бериш шартномаси ва шакли ҳақида билмоқчи эдим?**

**Ю.Акбаров,**
**Собир Раҳимов тумани**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 580-моддасига асосан корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган, деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корхона ижарачига топширилиши мумкин.

Корхона мулкий комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Корхонани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Корхонани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

**Ушбу саволларга Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Дилноза АДИЛОВА жавоб берди.**

* * *

**— Транспорт воситаларини ижарага бериш тартиби ва аҳамияти қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Х.Бердиев,**
**Юнусобод тумани**

— Транспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси бошқа мулклар сингари қонуний ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради. Экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради.

Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ижарага берувчи шартнома амал қилиб турган муддат давомида ижарага берилган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақланиши, шу жумладан, жорий ва капитал таъмирлаши ҳамда зарур асбоб-ускуналарни бериши шарт.

Ижарага берилган транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганлигини исбот қилса, ижарага олувчи етказилган зарарни ижарага берувчига тўлаши шарт.

**Ушбу саволга Мирзо Улуғбек туман 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Лутпихон АҲМЕДОВА жавоб берди.**

* * *

**— Меросга оид ишлар ва уларни судда кўзғатиш асослари ва шартлари ҳақида маълумот берсангиз?**

**Ш.Холиқов,**
**Ҳамза тумани**

— Бош Қомусимизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Дейлик, меросга оид ишларни оладиган бўлсак, қонунда белгиланган бир қатор шартларга риоя қилиниши лозим бўлади ва бу жараён меросхўрлар томонидан қўзғатилади. Шунингдек, меросга оид низоли иш судга тааллуқли бўлиши керак. Зеро, меросга оид ишларни суддан ташқари қонунда белгиланган тартибда бошқа бир қатор идоралар ҳам ҳал этиши мумкин. Масалан, меросга оид ишларнинг аксарияти судларга тааллуқли бўлса-да, қоидага биноан, судга қадар ушбу туркумдаги ишлар нотариал идораларда ҳам кўрилиши мумкин.

Дарҳақиқат, меросга оид ишларни кўриш жараёнида низоли ишларни низосиз бўлган ишлардан фарқлай билиш керак ва низосиз бўлган меросга оид ишлар судсиз, бошқа идоралар томонидан ҳам ҳал этилиши мумкин. Масалан, “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг “Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар амалга оширадиган нотариал ҳаракатлар” деб номланувчи 23-моддасига кўра, давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар мерос билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Айтиш мумкинки, меросга оид ишларни судда қўзғатиш жараёнида белгиланган талабларга тўлиқ риоя этиш даъво муддатларининг узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилишининг олдини олади, улар томонидан вақтнинг беҳудага йўқотилишига олиб келмайди ва қонун билан кафолатлаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини самарали тарзда ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳисса қўшади.

**Сайёра МАДАЛИЕВА,**
**Султонмурод УТАУЛИЕВ,**
**давлат нотариал идораси нотариуслари**

## Спорт янгиликлари

### ДАВРОН — БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБИ

**Бронза медаль соҳиби бўлди.**

Заиф эшитувчи спортчилар иштирокида уюштирилган ушбу турнирда курраи заминнинг саксондан ортиқ мамлакатидан келган тўрт минг нафар спортчи кескин кураш олиб борди.

Қувонарли жиҳати шундаки, унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган таэквондочи Даврон Хидиров 58 килограмм вазн тоифасида бронза медалини қўлга киритди.

### «БУНЁДКОР»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

**Шаҳримизда Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси кубоги баҳслари ўтказилди.**

Мусобақанинг гуруҳ баҳсларида 20 жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда бош соврин учун кураш олиб борди. Эътиборлиси турнирда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган «Пахтакор», «Бунёдкор» ва «Локомотив» жамоаларининг иштироки мутахассислару мухлисларда катта таассурот қолдирди. Гуруҳ беллашувларида биринчи ўринларни қўлга киритган «Пахтакор», «Бунёдкор», «Ардус», «Чирчиқ» жамоалари ярим финалга йўлланма олишди.

«Пахтакор» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасида уюштирилган биринчи ярим финал баҳси кескин курашлар остида ўтиб учрашув 5:3 ҳисобида «Бунёдкор»чиларнинг ғалабаси билан якунланди.

«Ардус» — «Чирчиқ» жамоалари ўртасидаги иккинчи ярим финал беллашувларида омад «Ардус» командасига кулиб боқди. Ўйин 4:1 ҳисобида якунига етди.

Финалда «Ардус» билан бош соврин учун кураш олиб борган шаҳримизнинг «Бунёдкор» жамоаси рақибини 4:3 ҳисобида мағлуб этиб, Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси кубогини қўлга киритди.

### ПОЙТАХТЛИКЛАР — БИРИНЧИ

**Шаҳримиздаги болалар ўртасида теннис бўйича ўтказилган турнир мамлакатимизда ушбу спорт тури тобора ривожланиб бораётганлигини яққол исботлаб турибди.**

Чунки ушбу турнирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларидан ташқари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган умидли ёш ракетка усталари ҳам иштирок этиб, ғолиблик учун ўзаро беллашди.

Қувонарлиси, қизлар баҳсларида биринчи ўринни ҳамшаҳримиз Камила Умарова қўлга киритган бўлса, ўғил болалар беллашувларида ҳам омад пойтахт вакили Андрей Шипиловга кулиб боқди. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган Андрей рақибларининг барчасини енгиб, биринчи ўринни эгаллади.



### ЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

**Икки кун мобайнида ўзбекистонлик футбол мухлислари Тошкент стадионларида уюштирилган Осиё чемпионлар лигаси чорак финал учрашувларининг гувоҳи бўлишди.**

«Жар» стадионида мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» жамоаси Жанубий Кореянинг «Паханг Стилерз» командаси билан куч синашди. Шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик мутахассислару мухлислар Жанубий кореялик футболчилар ғалаба қозонишини тахмин қилишганди. Аммо учрашувни уюшқоқ ҳолда сермазмун ўтказган мезбонлар 3:1 ҳисобида ажойиб ғалабага эришишди. Дарвозаларга голларни «Бунёдкор»дан Карпенко, Жепаров (2та), «Паханг Стилерз»дан Но Гю Жи киритишди.

«Пахтакор» марказий стадионида Саудия Арабистоннинг «Ал-Иттиҳод» жамоаси билан куч синашган пахтакорчилардан шу куни омад юз ўгирди. Гарчи учрашувни ҳужумкор руҳда ўтказишга ҳаракат қилиб, 6-дақиқадаёқ Милан Никовичнинг аниқ зарбаси сабаб ҳисобда олдинга чиқиб олган мезбонлар ғалабани асраб қола олишмади. Иккинчи бўлимнинг 27-дақиқасида меҳмонлар ҳужуми гол билан якунланди ва беллашув 1:1 ҳисобида ниҳоясига етди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, «Бунёдкор»чилар Осиё чемпионлар лигаси ярим финалига йўлланма олиш учун қулай имкониятга эга бўлишди. «Пахтакор» жамоасининг эса сафарда хориж командаларига муносиб қаршилик кўрсата олишини ҳисобга олганда ҳали Виктор Жалилов шогирдларида ҳам имконият бор. Шу боис ҳам ҳар икки жамоамизга келгуси учрашувларда ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МУСИҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

**Барча соҳаларда бўлгани каби, халқ таълими муассасаларида ҳам кейинги пайтларда таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлаш, ўқувчи- ёшлар тарбиясида мусиқий тарбиянинг аҳамиятини янада ошириш ватанпарварлик ғояларини тарғиб этиш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

Яқинда шаҳримиздаги 85-умумтаълим мактабида, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчи-ёшлар маркази, Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида бўлиб ўтган мусиқий-бадиий кеча «Мусиқий тарбиянинг аҳамияти» деб номланди.

Тадбирда мактаб — оила — маҳалла концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши, ўқувчилар маънавиятининг шаклланишида мусиқий тарбиянинг аҳамияти, анъана ва қадриятларимиз, урф-одатларимизга бўлган эътибор борасида сўз борди.

Шунингдек, Республика ёшлар маркази қошида ташкил этилган Нилуфар Шаропова бошчилигидаги «Ёш мусаввирлар» тўгараги қатнашчиларининг энг яхши ижод маҳсулотлари кўргазмаси барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Тадбир доирасида ёш эстрада хонандалари Шоҳруҳ Абдураззоқов, Суҳроб Йўлдошев, Носир Ибрагимов ва мактаб қошида ташкил қилинган «Қизлар рақс», гуруҳи ҳамда Алишер Навоий маданият уйи бадиий жамоаларининг чиқишлари кечанинг янада мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлаб берди.

**Нигора ЭШОНХЎЖАЕВА,**
**85-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси**

## Набoтот ажойиботлари

### ЁНАДИ-Ю КУЛ БЎЛМАЙДИ

Муқаддас кўҳна китоблардан бирида ёзилишича, ёниб кул бўлмайдиган ўсимлик намунаси бўлган. Бу мўъжиза эмас, Жанубий Европанинг оҳакка бой, қуруқ тупроқли жойларида Диктамнус альба номи билан юритилувчи ўтсимон ўсимлик ўсади. Мабодо иссиқ, жазирама кунларда, шаббода эсмаганида мазкур ўсимликка гугурт чертиб ёқилса, лоп этиб зангори аланга ҳосил қилиб ёнади-ю ўсимликнинг ўзи оловдан озорланиб куймайди, у қандай бўлган бўлса ўша ҳолича қолаверади. Маълум бўлишича, ўсимлик ўзидан тез алангаланадиган эфир мойларини чиқариб турар экан.

### ТОКИ БОР ДАРАХТ

Ўсимликлар дунёсининг хосиятларини санаб тугатиб бўлмайди. Дарахтларнинг яна бир хислати борки, у айрим ҳайвонлар ва қушлар ошиёни бўлиб хизмат қилади. Бироқ Ҳиндистонда ўсадиган бир дарахтда на қуш қўнади, на бирор жонзот ўрмалайди, ундан барча хавфсирайди, мумкин қадар унга яқинлашмасликка ҳаракат қилади. Мабодо мазкур дарахт танасига одам қўлларини тегизадиган бўлса, кишини эсанкиратадиган даражада электр токи уради. Қизиғи шундаки, дарахт компас милларига 15-20 метр наридан сезиларли таъсир кўрсата бошлайди. Дарахтда ҳосил бўладиган электр кучланиши ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди, кун мобайнида бир неча марта ўзгариб туриши мумкин. Дарахтдаги электр кучланиши қоқ пешинда жуда юқори даражада бўлиб, ярим тунда нисбатан паст электр токи қайд қилинади.

### «ДЎСТОНА» ЎСИМЛИКЛАР

Табиатда шундай ўсимликлар ҳам борки, уларнинг бири иккинчиси оғушида, ҳамроҳлигида ёхуд бевосита ҳимояси остида ўсади. Жумладан, мевазор боғлар ёнида заранг (клен) ва қоратол каби дарахтлар ўсадиган бўлса, улар олма ва нок каби мевали дарахтларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг ривожланишини уйғунлаштиради, шу билан бирга мазкур дарахтларнинг ҳосилдорлигини ошириб, совуққа нисбатан бардошли қилар экан.

Маълумотларга қараганда, ток билан бинафша «дўстона» яшайди, бежиримгина чечакнинг муаттар атри ток меваларини хушбўй, лаззатли қилади. Нўхот эса ловиянинг ўсишига, ривожланишига ёрдам беради.

**Маннон НАБИЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

#### ҲИКМАТЛАР

Оқилу донога гар солса
жароҳат рўзгор,
Сабр ила айлар ўшал дардига
тадбири даво.

* * *

Фақирлик, йўқчилик абгор этар
инсонни андоққим,
Сўз маҳзи савоб ўлса, хато дер
аҳли истеҳзо.

* * *

Англадим, дунё ғами ҳам
нашъаси боқий эмас,
Бас, улар ўткинчидирким,
сабр лозимдир манго.

* * *

Қўшниларга яхши бўл, йўқсил,
ғарибга меҳрибон,
Токи кўрганлар қариндошсан,
дейишсин, ҳамнасаб.

* * *

Хаста жон дардига дармон
истагандек дўст тила,
Бўлма каззобларга ҳамдам,
макриға турма қараб.

* * *

Оқ кўнгил, содиқ
қадрдонлар-ла бўлгин ҳамнафас,
Яхши аҳбобларга ҳамроҳ бўл
ҳамиша рўзу шаб.

* * *

Дўст тутинма сен мунофиқ
бирла, йўлдош айлама,
Айлагай дўстларни сарсон
бемурувват, беадаб.

* * *

Ул хушомадгўй фирибгардин
ҳазар қил, чунки ул
Тушса гар бошингга иш,
ёққай уйингни, ўт қалаб.

* * *

Сен бугунни кечаги кечган
кунингга эт қиёс,
Айлабон дунёни ўртанма куйиб,
бузма асаб.

* * *

Ваъдага этгил вафо, аҳдингда
тургил доимо,
Бир ажиб завқу сафо этгусидир
сенга насиб.

* * *

Кишининг ҳимматига уйғун
эмиш рутбаси ҳам.

* * *

Кишига наслу насабдин эмас
ахлоқу камол,
Ҳиммату ҳусни адабдин эл
уни олгай таниб.

* * *

Сен сабр айла машаққат
бори даф бўлгунча то,
Беҳуда оҳу фиғонлар этган
аҳволинг хароб.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

1. 2009 йил 1 октябрдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 сентябрда тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.
2. Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни якка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг миқдорда белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ хақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчида икки ёки ундан ортиқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситгичлар мавжуд бўлса, ушбу газ асбоблари учун газ сарфи меъёри икки ёки ундан ортиқ бараварга оширилади.
4. Хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли томонидан фойдаланилган газ учун тўлов газ ҳисоблагичлар кўрсатгичи ва ушбу нархномада кўрсатилган тариф бўйича амалга оширилади.
5. Табиий газдан фойдаланиш учун тўлов миқдорларини белгилашда хонадонда яшайдиган барча кишилар, шу жумладан вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.
6. Иситиладиган хоналарга иситиш асбоби (иситиш юзаси жойлашган) жойдан қатъи назар барча фойдали майдон киради: хоналар, ванналар, ошхоналар, ушбу иситиладиган майдондан ташқари (айвонлар, очиқ айвонлар, деразали балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар).
7. Нархноманинг 2- бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

8. Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автоном) сув иситгичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ ҳажми газёндиргич асбобининг кечаю кундуз энг кўп (максимал) қувватда ишлайдиган иш тартиби ва шартнома билан белгиланган иситиш даври бўйича аниқланади.

1.Табиий газдан фойдаланишга аҳоли учун белгиланган тарифлар:

| № | Истеъмолчилар турлари | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10 метр куб | 450,00 |
| 1.2 | Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -//- | 10 метр куб | 778,00 |
| | Иситиш учун | -//- | 10 метр куб | 360,77 |

2.Коммунал маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

| № | Истеъмолчилар тавсифномаси | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўлов (сўм) | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Йиллик | ойлик |
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси | 1 кишига 11 метр куб | 10 269,60 | 855.80 |
| 2.2 | Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси | 1 кишига 15 метр куб | 14 004,00 | 1 167,00 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситгич | 1 кишига 16 метр куб | 14 937,60 | 1 244,80 |
| 2.4 | Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар якка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш | Хонанинг 1 метр кубга 5,76 метр куб | 1 039,00 | 207,80 |

**Эслатма: Аҳоли газ истеъмолчилари томонидан 2009 йил 1 октябргача сарфланган газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2009 йилнинг 10 октябригача эски тариф (10 м. куб- 366.00 сўм) ҳисобида олинади. 2009 йилнинг 1 октябрдан бошлаб сарфланган газ ҳақи янги тариф (10м.куб -450.00 сўм) бўйича амалга оширилади.**

**«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали.**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2810 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 806

Топширилган вақти: 13.50